

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯНИНГ ТДТ ДОИРАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ ДИНАМИКАСИ

Сағдуллаев Иззатилла Ғайратилла ўғли

мустақил изланувчи

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев даврида Ўзбекистон–Туркия муносабатларининг янги босқичга кўтарилиши таҳлил қилинади. Икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий-стратегик ҳамкорликнинг ривожини, шунингдек, Ўзбекистоннинг Туркий Давлатлар Ташиқотидаги фаол иштироки ёритилади. Мақолада Мирзиёевнинг минтақавий интеграция, транспорт-логистика, яшил иқтисодиёт ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларида илгари сурган ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: Ўзбекистон, Туркия, Мирзиёев, стратегик шериклик, Туркий давлатлар

ABSTRACT

This article analyzes the transformation of Uzbekistan–Türkiye relations during the presidency of Shavkat Mirziyoyev. It examines the development of political, economic, cultural, and strategic cooperation between the two countries, as well as Uzbekistan's growing role within the Organization of Turkic States. Special attention is given to Mirziyoyev's initiatives on regional integration, transport and logistics corridors, green economy, and food security. The study highlights how strengthened bilateral ties and multilateral engagement contribute to regional stability and shared prosperity in the Turkic world.

Keywords: Uzbekistan, Türkiye, Mirziyoyev, strategic partnership, Turkic states

КИРИШ

XXI аср бошларида Марказий Осиё геосиёсий маконида Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги трансформация муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган очиқлик, минтақавий ҳамкорлик ва туркий дунё билан интеграция сиёсати мамлакатнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлади. Ўзбекистон–Туркия муносабатларининг стратегик ва кейинчалик қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилиши нафақат икки томонлама манфаатлар, балки умумтуркий маконда барқарорлик,

иқтисодий ўсиш ва маданий яқинлашувни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонни 1991–2016 йиллар давомида бошқарган Президент Ислон Каримов 2016 йил 2 сентябрда вафот этганидан кейин мамлакат ташқи сиёсатда янги имкониятлар ва чақириқлар даврига кирди. Шу тарихий бурилиш нуқтасида, 2016 йил 17–18 ноябрь кунлари Туркия Республикаси Президенти Ражаб Таййиб Эрдоғаннинг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи рамзий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. “Самарқанд учрашуви” деб ном олган мазкур ташриф икки давлат ўртасида узоқ йиллар давом этган сустилик ва эҳтиёткорлик муҳитини бартараф этиб, стратегик яқинлашув учун асос яратди.

Президент Эрдоған бу ташрифни “муносабатларда янги саҳифа” деб баҳолаган бўлса, Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг “Энди гапда эмас, амалда ишлайдиган вақт келди” деган сўзлари ташқи сиёсатда прагматизм ва натижадорликка асосланган янги ёндашув бошланганини англатди. Бу баёнот икки давлат ўртасида фақат тарихий-мэнавий яқинлик эмас, балки аниқ сиёсий ва иқтисодий манфаатларга таянган ҳамкорлик модели шаклланаётганидан далолат берди.

2016 йил 4 декабрда ўтказилган президентлик сайловида Шавкат Мирзиёевнинг ғалабаси Ўзбекистонда институционал ислохотлар даврини бошлаб берди. 2017 йилда қабул қилинган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” мамлакатни бошқариш тизимида туб бурилиш ясади. Ушбу стратегия ташқи сиёсатда ҳам фаоллик, очиқлик ва кўп томонлама ҳамкорликни кучайтиришни назарда тутди. Натижада Ўзбекистон илгариги изоляционист моделдан воз кечиб, минтақавий ва глобал жараёнларда фаол иштирок этишга йўналди.

Туркий дунёга йўналган ташқи сиёсат ва Туркия билан стратегик шериклик. Президент Шавкат Мирзиёев ташқи сиёсатда кўшни давлатлар билан ишончни тиклаш ва туркий республикалар ўртасидаги алоқаларни институционал асосда ривожлантиришни устувор деб белгилади. Унинг илк хорижий ташрифини Туркменистонга амалга ошириши, кейин эса Қозоғистон ва Қирғизистонга бориши Ўзбекистон ташқи сиёсатида минтақавий яқинлашув тамойилининг устуворлигини кўрсатди.

2017 йил 25–26 октябрь кунлари Президент Мирзиёевнинг Туркияга 19 йилдан сўнг амалга оширган илк расмий ташрифи эса икки томонлама муносабатларда сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Ушбу ташриф

чоғида Ўзбекистон–Туркия муносабатларини “Стратегик шериклик” даражасига кўтариш тўғрисида қўшма баёнот имзоланди. Бу қарор икки давлат муносабатларини фақат дипломатик мулоқот билан чекламай, иқтисод, савдо, инвестиция, таълим, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларида тизимли ҳамкорликка ўтишни англатар эди.

Виза сиёсатидаги либераллашув ҳам ушбу яқинлашувнинг амалий натижаси бўлди. 2018 йил феврал ойида турк фуқаролари учун 30 кунлик визасиз режим жорий этилди. Бу қарор инсонлараро алоқаларни жадаллаштириб, бизнес, туризм ва маданий алмашинувни сезиларли даражада оширди. Натижада авиақатновлар сони қисқа вақт ичида бир неча баробарга кўпайди.

Институционал ҳамкорлик ва халқаро платформалар. 2018 йил 29 апрель – 1 май кунлари Президент Эрдоғаннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни институционал жиҳатдан мустаҳкамлади. “Ўзбекистон–Туркия Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгаши”нинг ташкил этилиши муносабатларни тизимли равишда мувофиқлаштириш механизмини яратди. Кейинги йилларда мазкур кенгаш доирасида ўтказилган учрашувлар ва имзоланган кўплаб келишувлар ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилди.

2024 йилда Анкарада ўтказилган учинчи йиғилиш ва “Қамровли стратегик шериклик” тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланиши Ўзбекистон–Туркия муносабатлари эволюциясининг энг юқори босқичини ифодалади. Бу босқичда икки давлат ўзаро муносабатларни фақат икки томонлама даражада эмас, балки халқаро ташкилотлар доирасида ҳам мувофиқлаштиришга ўтди.

Ўзбекистон ва Туркий Давлатлар Ташкилоти. Ўзбекистоннинг 2019 йилда Туркий Давлатлар Ташкилотига аъзо бўлиши мамлакат ташқи сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири сифатида баҳоланади. Президент Мирзиёев ушбу ташкилотни фақат маданий-символик тузилма эмас, балки иқтисодий, транспорт, энергетика ва хавфсизлик соҳаларида амалий натижалар берувчи платформа сифатида кўради.

2025 йилда илгари сурилган стратегик шериклик, яшил трансформация, транспорт коридорлари ва озиқ-овқат хавфсизлигига оид ташаббуслар Ўзбекистоннинг ТДТ доирасида фаол ва ташаббускор аъзо сифатида майдонга чиқаётганини кўрсатади. Бу эса туркий маконда Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев даврида Ўзбекистон–Туркия муносабатлари тарихий қардошлик асосида прагматик ва институционал ҳамкорлик моделига айланди. Бу муносабатлар нафақат икки давлат манфаатларига, балки кенг туркий маконда барқарорлик, тараққиёт ва ўзаро боғлиқликни кучайтиришга хизмат қилмоқда. Мирзиёевнинг ташқи сиёсатда очиқлик, ҳамкорлик ва интеграцияга қаратилган сиёсати Ўзбекистонни минтақавий ва глобал жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантирди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Ringler N. Turkey's New Joint Operational Concepts Foreshadow the Future of Armed Conflict // Georgetown Security Studies Review. – 2021. – 16 March. – URL: <https://georgetownsecuritystudiesreview.org/2021/03/16/turkeys-new-joint-operational-concepts-foreshadow-the-future-of-armed-conflict/>
2. Sefa İ. Bir Millet, İki Devlet, Bir Ordu // Aydınlik gazetesi. – 2021. – 6 Temmuz. – URL: <https://www.aydinlik.com.tr/haber/bir-millet-iki-devlet-bir-ordu-249886>
3. Taştekin F. Are Turkish Drones Complicating Disputes in Central Asia? // Al-Monitor. – 2023. – 26 September. – URL: <https://www.al-monitor.com/originals/2022/09/are-turkish-drones-complicating-disputes-central-asia>
4. Blue Domes. Turkey and Central Asian Military Cooperation: More Than Just Drones. – URL: <https://bluedomes.org/turkey-and-central-asian-military-cooperation-more-than-just-drones/>
5. Kasapoğlu C. Türk dünyası askeri jeopolitiğinde “SİHA” faktörü // Anadolu Ajansı. – 2021. – 30 Kasım. – URL: <https://www.aa.com.tr/tr/analiz/turk-dunyasi-askeri-jeopolitiginde-siha-faktoru/2434467>
6. Does the Organization of Turkic States Worry China and Russia? // The Diplomat. – 2022. – November. – URL: <https://thediplomat.com/2022/11/does-the-organization-of-turkic-states-worry-china-and-russia/>
7. Toprak V. Milli Savunma Bakanı Yaşar Güler: 40 tane Eurofighter uçağı alacağız // Sözcü gazetesi. – 2023. – 16 Kasım. – URL: <https://www.sozcu.com.tr/2023/gundem/milli-savunma-bakani-yasar-guler-40-tane-eurofighter-ucagi-alacagiz-7864118/>
8. Cornell S. E. Learning from Kazakhstan's January Crisis // Central Asia-Caucasus Analyst. – 2022. – 18 April. – URL: <https://cacianalyst.org/publications/feature-articles/item/13715>

9. Akylbayev I., Janibekov N. What Does the U.S. Withdrawal from Afghanistan Mean for Central Asia? // The Diplomat. – 2021. – 25 May. – URL: <https://thediplomat.com/2021/05/what-does-the-us-withdrawal-from-afghanistan-mean-for-central-asia/>
10. Starr S. F., Cornell S. E. The Turkic States and Regional Integration in Central Asia // Silk Road Paper. – Washington; Stockholm, 2021. – URL: https://www.silkroadstudies.org/resources/pdf/SilkRoadPapers/2021_06_SR_Paper_Starr_Cornell.pdf
11. Organization of Turkic States. Turkic World Vision – 2040. – Istanbul: OTS Secretariat, 2021. – URL: <https://www.turkicstates.org/en/vision-2040>
12. Laruelle M. Uzbekistan's Foreign Policy under Mirziyoyev: Regional Opening and Global Balancing // Central Asian Affairs. – 2020. – Vol. 7, No. 3. – P. 295–313.
13. Dadabaev T. Uzbekistan's New Foreign Policy Strategy and Regional Cooperation // Asian Survey. – 2019. – Vol. 59, No. 6. – P. 1058–1081.
14. United Nations General Assembly. Address by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev. – New York, 2017. – URL: <https://www.un.org/en/ga/>